

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
хузуридаги
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРС ИШИ

МАВЗУ: “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти”

**Бажарувчи: Хорижий мамлакатлар
иқтисодиёти мутахассислиги
1-босқич магистранти
Аҳадов Адҳам Акрамович**

Қабул қилди: и.ф.д.,проф. Исаджанов А

ТОШКЕНТ - 2011 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-7
Биринчи боб. Глобаллашув шароитида халқаро савдони ривожланиш тенденциялари.....	8-21
1.1. Халқаро савдонинг мазмун моҳияти.....	8-13
1.2. Халқаро савдо ва унинг ривожланиш йўналишлари.....	13-21
Иккинчи боб. Халқаро савдода табиий ресурслар ва халқаро савдода Ўзбекистоннинг ўрни.....	22-37
2.1. Халқаро савдода табиий ресурсларнинг ўрни.....	22-29
2.2. Халқаро савдода Ўзбекистоннинг ўрни	29-34
2.3 Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро садога ва Ўзбекистон ташқи савдосига таъсири	45-53
ХУЛОСА	58-60
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	61-65
ИЛОВА.....	65-72

Кириш

“Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини оодал ривожлантириш сиёмати асосий устивор йўналиш сифатида давом эттиришни тақазо этмоқда”¹.

И.А.Каримов

Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашуви объектив жараён бўлиб, ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан давлатлараро капитал ишчи кучи товар ва хизматлар оқимининг кенгайиб бориши билан характерланади.

XX-XXI асрларда жаҳон иқтисодиёти ривожланишида глобаллашув жараёнининг аҳамияти чексиз бўлиб, ҳўжалик ҳаёти байналминаллашуви ривожига янги босқичдир. Миллий ҳўжаликнинг глобаллашуви деганда халқаро, жаҳон ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш омилларининг шаклланиши ва ривожланиши, ишлаб чиқариш воситаларининг халқаро майдонда ишлатилиши тушинилади.

Жаҳон ҳўжалиги тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини ошириш мамлакат олдида турган энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида халқаро тажриба шуни кўрсатдики, қайси мамлакат экспортида хом ашё маҳсулотлари етакчи бўлса, бу мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишига

¹.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -59-б.

Ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки жаҳон бозорида хом ашё нархлари беқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади.

2010-йилнинг биринчи чорагидан бошлаб эса инқироздан аввалги кўрсаткичлар қайта тиклана борди. Жаҳон Савдо Ташкилоти(ЖСТ) 2009-йилги инқироз таъсирларини 2010-йилдан бошлаб ўз ўрнига кела бошлашини айтиб ўтишди. Гарчи ЖСТ га аъзо давлатларда ишсизлик муаммоси мавжуд бўлсада улар савдо тўсиқларини олиб ташлаган ҳолда савдо жараёнларини қайта тиклашга масъул бўлиб қолдилар. 1929-1933-йилларда давом этган инқироздан кўра 2008-2009-йиллардаги инқирозни озроқ муддатда давом этганлиги унинг салбий оқибатларини бартараф этишда ЖСТ нинг бошқарув механизминини муҳим рол ўйнагани бўлди.

Нефть ва бирламчи саноат маҳсулотлари нарҳини кескин тушиб кетиши натижасида Халқаро савдонинг АҚШ долларидаги қиймати 2009-йилда ўтган йилга нисбатан -22,6 %га тушиб кетишига сабаб бўлган бўлса унинг ҳажмида эса -12,2 %га пасайиш кузатилди.

2009-йилда жаҳон ЯИМ да Иккинчи Жаҳон Уришидан бери биринчи марта -2,3 %га пасайиш кузатилди. Юқоридаги икки ривожланиш кўрсаткичлари жаҳон иқтисодиётига қаттиқ таъсир кўрсатиб, буюк инқироздан бери бундай кучли зарбага учрамаган эди.

Жаҳон савдосида 1965-йилдан бери 1975-йилда -7% га, 1982-йили -2%га ва 2001-йили -0.2 %га жами уч марта тушиш кўрсаткичлари кузатилган бўлиб, аммо уларнинг бирортасида ўтган йилги каби пасайиш кузатилмаган. 2009-йилда халқаро савдо ҳажми тушиши кўплаб макроиқтисодий моделлаштириш институтларида башорат қилинган бўлсада лекин савдо ҳажмининг тушиши улар башорат қилгандан кўра анча жиддий тус олди.

Биринчи боб. Ташқи савдони ривожланиши ва унда экспортни роли

1.1.Ташқи савдонинг мазмун моҳияти

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўриниши ташқи савдо ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 80%и савдонинг улушига туғри келади.

Ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир. Ж.Сакснинг фикрича «дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий мувоффақияти ташқи савдода туғилади. Ҳозирги давргача ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажраган ҳолда соғлом иқтисодиёт ҳосил қила олгани йўқ».

Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимооти асосида пайдо бўладиган турли давлатлар товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларнинг бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади.

Мамлакатлар иқтисодиётидаги ИТИ таъсири остида руш бераётган структуравий ўзгаришлар, саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви миллий хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтирмоқда. Бу эса халқаро савдо фаоллашувига имкон яратмоқда. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Ташқи савдо айланмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10%га кўпайганда жаҳон савдоси 18%га ўсмоқда.

«Ташқи савдо» деганда бир мамлакатнинг бошқа мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириш, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади.

Ташқи савдо фаолияти товар ихтисослашувига кўра тайёр маҳсулотлар савдоси, машина ва ускуналар савдоси, хом-ашё савдоси ва хизматлар савдосига бўлинади.

Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади.

Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилади. Масалан, саноати ривожланган давлатлар товар айланмаси йиғиндиси, ривожланаётган давлатлар товар айланмасининг йиғиндиси ва х.к.

Барча давлатлар олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат танлаш муаммоси ётади. Икки аср мобайнида бу мавзуда тортишувлар кетяпти.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йуналиш узаро боғлиқ. Аммо кўп ҳолларда бу қарама-карши бирлик эркин савдо тамойилининг бош ролини бажаради.

Эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб А.Смит томонидан таъриф берилган. Адам Смит « айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдалидир, ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ устунликка эга бўлишини» таъкидлаган. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Д. Рикардо «Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши» (1817йил) ишида боши берк кўчадан классик назарияни олиб чиқди. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айрбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш манфаат келтиради. Унинг муҳокамалари устунликлар таққосланиши назарияси ёки принципида ўз аксини топди.

Джон Стюарт Милль ўзининг «сиёсий иқтисод асослари»(1848йил) ишида қандай нарҳда айрбошлаш амалга оширилишини кўрсатди. Милльнинг фикрига кўра айирбошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кўра , ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даражада белгиланади. Милльнинг муҳим хизматларидан бири унинг Халқаро Нарх қонуни ёки «халқаро нарх назарияси»дир. Халқаро Нарх қонунининг таъкидлашича, шундай нарх мавжудки у

давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нархи талаб ва таклифга боғлиқ.

Халқаро Савдо оқимини нима билан аникланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олин ўзларининг замонавий карашларида акс эттирганлар. Улар нисбий устунлик тушунасини куйидагича изоҳлаганлар: у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашиши уларнинг ишлаб чиқариш омиларига эгалик даражасига боғлиқ. Э.Хекшер ва Б.Олин «нархларнинг ишлаб чиқариш омиллариغا тенглаштириш» теоремасини илгари сурдилар.

Ташқи савдо назарияси Америка иқтисодчиси В. Леонтьевнинг «Леонтьев парадокси» номли ишида янада ривожланди. Парадокс шундаки В. Леонтьев Хекшер-Олин теоремасидан фойдаланиб Америка иқтисоди урушдан кейинги даврда капиталга нисбатан меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган ишлаб чиқаришга ихтисослашганини кўрсатди. Бошқача айтганда, АҚШ экспорти импортига нисбатан кўпроқ меҳнатталаб ва камроқ капиталталабдир. Бу хулоса АҚШ иқтисодиёти ҳақидаги олдинги барча фикрларга тамоман тескаривдир. Умумий фикрга кўра, АҚШ иқтисодиётида доимо капитал ортиқча эди ва Хекшер-Олин теоремасига кўра АҚШ капиталталаб товарларни импорт эмас, экспорт қилиши керак эди.

Кейинги йилларда В. Леонтьев ихтироси кенг резонанс олди. Турли давлатларнинг кўплаб иқтисодчилари «Леонтьев парадоксини» тушунтириб бу мавзуда тортишдилар. Натижада нисбий устунлик назарияси янада ривожланди. Унга техник ривожланиш ва уни тақсимланишининг тенг эмаслиги, маблағларни фирмадан ташқарида иқтисод қилиш, давлатлардаги иш ҳақининг фарқи ва бошқа тушунчалар киритилди.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси. 60-йилларнинг ўрталарида америкалик иқтисодчи Р.Вернон маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назариясини олға сурди. Ушбу назариясида Р. Вернон тайёр

маҳсулотлар жаҳон савдосининг ривожланишини уларнинг ҳаётий босқичлари асосида, яъни маҳсулот бозорда ҳаётга эга ва сотувчининг ўз мақсадларига эришишини таъминлаши вақт даври асосида тушунтиришга ҳаракат қилди.

80-йилларнинг бошларида П. Крюгман, К. Ланкастер ва айрим бошқа иқтисодчилар классик назарияга муқобил равишда, миқёс таъсирига асосланган халқаро савдо назариясини тақлиф этдилар. “Микроиқтисодиёт” курсидан яхши маълум бўлган миқёс таъсири тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, аниқ бир яратилган технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот чиқариш ҳажми ўсган сари узоқ муддатли ўртача харажатлар қисқаради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисод қилиш ҳолати юзага келади.

1991 йилда америкалик иқтисодчи Майкл Портер ўзининг “Мамлакатларнинг рақобат устунликлари” деб номланган тадқиқотини нашр қилди. Ушбу тадқиқотда халқаро савдо муаммоларига умуман янгича ёндашув ишлаб чиқилган. У ёндашувнинг шартларидан бири: “Халқаро бозорда мамлакатлар эмас, фирмалар рақобатлашади. Бу жараёнда мамлакатнинг ўрнини аниқлаб олиш учун фирма рақобат устунлигини қандай яратиши ва уни қандай ушлаб туришини тушуниш талаб этилади” деган тезисдир.


1.2 . Халқаро савдо ва унинг ривожланиш йўналишлари

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози натижасида савдо ва ишлаб чиқариш ҳажмларида тушиш суръатлари 2009-йилнинг иккинчи ярмига қадар кузатилди, шу йилнинг учинчи чорагидан бошлаб эса ўсиш суръатлари кузатила бошланди.

2010-йилнинг биринчи чорагидан бошлаб эса инқироздан аввалги кўрсаткичлар қайта тиклана борди. Жаҳон Савдо Ташкилоти(ЖСТ) 2009-йилги инқироз таъсирларини 2010-йилдан бошлаб ўз ўрнига кела бошлашини айтиб ўтишди. Гарчи ЖСТ га аъзо давлатларда ишсизлик

муаммоси мавжуд бўлсада улар савдо тўсиқларини олиб ташлаган ҳолда савдо жараёнларини қайта тиклашга масъул бўлиб қолдилар. 1929-1933-йилларда давом этган инқироздан кўра 2008-2009-йиллардаги инқирозни озроқ муддатда давом этганлиги унинг салбий оқибатларини бартараф этишда ЖСТ нинг бошқарув механизминини муҳим рол ўйнагани бўлди.

1-расм. Жаҳон товарлар савдоси экспорти²



Нефть ва бирламчи саноат маҳсулатлари нарҳини кескин тушиб кетиши натижасида халқаро савдонинг АҚШ долларидаги қиймати 2009-йилда ўтган йилга нисбатан -22,6 %га тушиб кетишига сабаб бўлган бўлса, унинг ҳажмида эса -12,2 %га пасайиш кузатилди.

2009-йилда жаҳон ЯИМ да Иккинчи Жаҳон Уришидан бери биринчи марта -2,3 %га пасайиш кузатилди. Юқоридаги икки ривожланиш кўрсаткичлари жаҳон иқтисодиётига қаттиқ таъсир кўрсатиб, буюк инқироздан бери бундай кучли зарбага учрамаган эди.

Жаҳон савдосида 1965-йилдан бери 1975-йилда -7% га, 1982-йили -2%га ва 2001-йили -0.2 %га жами уч марта тушиш кўрсаткичлари кузатилган бўлиб, аммо уларнинг бирортасида ўтган йилги каби пасайиш кузатилмаган.

2009-йилда халқаро савдо ҳажми тушиши кўплаб макроиқтисодий моделлаштириш институтлар томонидан башорат қилинган бўлсада,

² Манба: WTO International Trade Statistics 2010.

лекин савдо ҳажмининг тушиши улар башорат қилгандан кўра анча жиддий тус олди.

1-жадвал.

Халқаро савдонинг товар таркиби³

	2008Q1	2008Q2	2008Q3	2008Q4	2009Q1	2009Q2	2009Q3	2009Q4	2009
тайёр маҳсулотлар	16	18	13	-11	-28	-30	-22	0	-21
темир ва пўлат	15	27	43	4	-39	-56	-55	-31	-47
кимё маҳсулотлари	19	24	20	-7	-24	-25	-17	8	-15
офес ва алоқа воситалари	10	13	7	-14	-29	-22	-15	8	-15
автоматлашган жихозлар	15	16	3	-26	-47	-46	-29	6	-32
саноат машиналари	21	22	15	-8	-29	-36	-32	-15	-29
текстиел маҳсулотлари	11	9	3	-13	-27	-27	-17	0	-19
кийим-кечак	11	11	8	-2	-11	-15	-12	-6	-11

Иқтисодчлар савдо кўрсаткичларини қисқаришига ёлғон протекционизм меъёрлари ва молиявий битмларга кредит ажратишни қисқариши сабаб бўлган деган тахминдалар.

Умумий талабни тушиб кетиш сабабларини илдизи 2007-йилда АҚШ ипотека кредит соҳасида шаклланган ва 2008-йилда юзага чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози баҳоланмоқда. АҚШ молия секторида бошланган инқироз кейинчалик реал иқтисодиётга сўнгра ривожланган давлатлар иқтисодиёти ва бошқа давлатлар иқтисодиётига қисқа муддатда тезлик билан тарқалган.

Кескин тушиш суръатлари аҳоли жамғармаларига рацецияни катта таъсир қилгани натижаси бўлиб, аҳолини узоқ муддатли товарларга бўлган талаби кескин тушиб кетган. Айниқса автомобил савдосида -32 % га, қўшимча қиймати юқори бўлган саноат ускуналари савдосида -29 %га тушиш кузатилган.

Бу товарларга бўлган талабнинг тушиши ва савдони пасайиши бошқа товарлар олди-сотдисида ҳам бевосита таъсир кўрсатиб аҳолининг кредитга бўлган талабини ҳам тушишига сабаб бўлди. Қолаверса автомобил ва оғир саноат товарларидаги савдо ҳажмининг пасайиши бу товарларни тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланиладиган темир ва

³ Манба: WTO Secretariat estimates.

пўлатга талабни ҳам тушишига сабаб бўлди. Пўлат ва темир савдони пасайишига яна бир сабаб инқироз келиб чиқишига сабаб бўлган кўчмас мулк бозоридаги таназзул ва қурилиш ишларини тўхтатиб қўйилганидир.

Узоқ муддатли истеъмол товарлари ва капитал сиғимли товарлар жаҳон ЯИМ да кичик бўлагини ташкил қилсада, аммо халқаро савдони ўзагини ташкил қилади. Натижада эса халқаро савдодаги пасайиш жаҳон ЯИМдаги тушишдан кескин ортиб кетган.

Янги саноатлашган мамлакатлар жаҳон бозорига тобора чуқурроқ интеграциялашиб бориши натажасида 2007 йилда уларнинг экспорт ҳажми 9% га ўсган бўлса, 2009 йилга келиб эса бу кўрсаткич инқироз натижасида -5,9 %га тушиб кетди. Бундай кўрсаткич яна МДХ мамлакатларида қайд эилгани ни айтиб ўтиш мумкин. 2007 йил давомида МДХ мамлакатларининг экспорт ҳажми 7,5 % га ортган бўлса, импорт ҳажми эса 19,9 % га ортган аммо 2009 йилда энг катта тушишлардан бири ҳам шу МДХ мамлакатларида кузатилди экспорт ҳажми -9,5% ва импорт ҳажми -20,2 %га қисқарди.(2-жадвал)

2-Жадвал.


Минтақалар бўйича ЯИМ ва ташқи савдонинг йиллик ўзгариши⁴

	ЯИМ			Экспорт			Импорт		
	2007	2008	2009	2007	2008	2009	2007	2008	2009
Жаҳон	3.8	1.6	-2.3	6.4	2.1	-12.2	6.1	2.2	-12.9
Шимолий Америка	2.2	0.5	-2.7	4.8	2.1	-14.4	2.0	-2.4	-16.3
АҚШ	2.1	0.4	-2.4	6.7	5.8	-13.9	1.1	-3.7	-16.5
Марказий ва Жанубий Америка	6.4	5.0	-0.8	3.3	0.8	-5.7	17.6	13.3	-16.3
Европа	2.9	0.8	-4.0	4.2	0.0	-14.4	4.4	-0.6	-14.5
Европа Иттифоқи (27)	2.8	0.7	-4.2	4.0	-0.1	-14.8	4.1	-0.8	-14.5
МДХ	8.3	5.3	-7.1	7.5	2.2	-9.5	19.9	16.3	-20.2
Африка	5.8	4.7	1.6	4.8	0.7	-5.6	13.8	14.1	-5.6
Ўрта Шарқ	5.5	5.4	1.0	4.5	2.3	-4.9	14.6	14.6	-10.6
Осиё	6.0	2.7	0.1	11.7	5.5	-11.1	8.2	4.7	-7.9
Хитой	13.0	9.0	8.5	19.8	8.6	-10.5	13.8	3.8	2.8
Япония	2.3	-1.2	-5.0	9.4	2.3	-24.9	1.3	-1.3	-12.8
Ҳиндистон	9.4	7.3	5.4	14.4	14.4	-6.2	18.7	17.3	-4.4
Янги саноатлашган мамлакатлар	5.6	1.6	-0.8	9.0	4.9	-5.9	5.3	3.5	-11.4

⁴ Манба: World Trade Organization World Trade Report Switzerland 2010, p. 6 (Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳисоботи)

Осиё минтақаси ташқи савдосининг реал ўсиш суръатлари охириги 4 йилда кескин туша бошлади. 2006 йилда унинг экспорти 13% га, 2007 йилда эса 11,5% га ўсган бўлса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 2,5 баробар тушиб кетди. Импортининг ўсиши эса 2007йилда 8% ни ташқил қилган бўлса, 2008йилда 4% га тушиб қолди.

2-расм. Минтақалар бўйича товарлар савдосининг ўзгариши⁵
(2009й. % ҳисобида)



Охириги йилда ташқи савдосининг ўсиши кескин камайиб кетаётган ва жаҳон савдосига ҳам сезиларли таъсир ўтказётган минтақа бу Европа ва Шимолий Америка минтақаларидир. Европа экспорти реал ўсиши 2006 йилда 7.5% бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич -14 %га тушиб қолди. Шу йили унинг импортида -14,5 %га тушиш кузатилди. Инқироз келиб чиққан минтақа, Шимолий Америкада экспорт -14% га, импорт эса -17%га тушиб кетди.

Жаҳон молиявий инқирози 2008 йил тўртинчи чорагида товарлар савдоси 12% га тушган бўлса, хизматлар савдосида бу тушиш 7-8 % ни ташқил қилди. Шундай бўлсада номинал ҳисоб бўйича товарлар савдоси 15%га ўсди ва хизматлар савдосида 11% ўсиш кузатилди.

⁵ Манба: World Trade Organization World Trade Report Switzerland 2010, p. 6 (Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳисоботи)

Транспорт хизматлари 15% га ўсган бўлса, туризм ва бошқа савдо хизматларида 10% га ўсиш кузатилди (2- расм).

АҚШ хизматлар экспорти 522 млрд АҚШ долларини, хизматлар импорти 364 млрд АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда Жаҳон хизматлар савдосида биринчилиكنи сақлаб қолди.

Жаҳон молиявий инқирози натижасида транспорт хизматларида, айниқса кема транспортида тушиш кузатилди. Халқаро ҳаво йўллар асосацияси маълумотиға кўра юк ташувчи ҳаво транспортида 26% тушиш кузатилди. Бу 2001йил сентябрь воқеаларидан кейинги тушишдан 12% кўпдир.

Жаҳон бозорида нефть, газ ва валюта курсларини кўтарилиши товарлар экспортини номинал қийматиға катта таъсир ўтказди. Гарчи 2008 йил охириға келиб нефть нархи ўтган йилға нисбатан анча тушиб кетган бўлсада, 2007йилға нисбатан ўртача 40% га ўсган. Натижада кўплаб давлатларнинг экспортининг номинал қийматида ўсиш кузатилди. АҚШ товарлар импорти 2008 йилда 7% ўсди, лекин нефтни ҳисобламағанда бу ўсиш 1%ни ташкил қилади ҳолос. Бу борада озиқ-овқат ва ичимлик нархларини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Жаҳон қишлоқ хўжалиғи товарлари экспортининг 46 % га эғалик қилувчи Европа шу маҳсулотлар экспортини 19 % га кўпайтирди, шунингдек 19 %ли кўрсаткич билан 2-энг йирик таъминотчи бўлган Осиё мазкур маҳсулотлар экспортини 20 % га кўпайтирди. Бу борада учинчи ўринда бораётган Шимолий Американинг экспорти 17 % га ўсди. Жанубий ва Марказий Америка бу кўрсаткич бўйича 2000-йилдан бери энг юқори кўрсаткични намоён қилди (23.4 %). 2007-йилда ёнилғи ва тоғ-кон маҳсулотлари нархининг 11 % га ўсиши жаҳон экспортининг 15% га ўсишиға олиб келди.

Халқаро товарлар ва хизматлар савдоси миллий хўжаликлар ўртасида тўланадиган жами товар айланмаси кўринишидаги меҳнат

маҳсулотларини айирбошлашнинг ўзига хос формаси сифатида намоён бўлади. Бунда давлат ва хусусий компаниялар, халқаро ташкилотлар, айрим ҳолларда жисмоний шахслар ҳам жаҳон бозорида асосий субъектлар сифатида қатнашади. Халқаро савдонинг асосий таркибий қисми товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, бироқ товар оқимларининг маълум мамлакат ҳудуди орқали ўтиб кетувчи кўриниши - транзитни ҳам эсда тутиш керак, чунки уни амалга ошириш учун маълум ҳақ тўланади, бунга компанияларнинг транспорт харажатлари киради.


XX асрнинг иккинчи ярмидан халқаро савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950-2008 йиллар орасидаги даврда халқаро савдо обороти 20 баробар ўсди. Ғарб мутахассисларининг фикрича 1950 ва 1970 йиллар оралиғидаги даврни халқаро савдонинг «олтин асри» деб айтиш мумкин. Айнан шу даврда жаҳон экспорти йилига уртача 7%га ўсди. Аммо 70-йиллардаёқ у 5.5% га тушди ва 80-йилларда яна камайди. 80-йилларнинг охирида жаҳон экспорти сезиларли равишда жонланди. 70-80 йилларда Япония ва Европа Иттифоқининг ташқи савдоси энг тез суръатларда ўсган бўлса, 90-йилларда Хитой ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатларнинг савдо айланмасида шиддатли ўсиш кузатилди. Жаҳон савдосининг умумий қиймати 1997 йилнинг охирида 6,6 трлн. долларга тенг бўлди, унинг 5,3 трлн. доллари (80,3 %) товарлар, 1,9 трлн. доллари (19,7 %) хизматларга тўғри келди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий фаолиятининг секинлашуви 2007-йилда глобал савдо ҳажмининг камайишининг асосий омили бўлди. Шу йили реал товарлар экспортининг ўсиши 5.5 % баҳоланди, бу эса 2006-йилдаги кўрсаткичдан 3 % кам демакдир.

Жаҳонда товарлар савдоси

Сўнги 10 йил ичида энг юқори кўрсаткич Осиё ва Россияда юз берган инқироздан икки йил кейин 2000 йилда қайд этилди ва шу

йили ўсиш 11% ни ташқил қилди. 2001 йилда АҚШ да юз берган 11 сентябр воқеалари жаҳон савдосига ўз таъсирини кўрсатди. Бу йили Жаҳон савдосида -0.2% миқдорида пасайиш кузатилди. Кейинчалик Ривожланган давлатларнинг импорти ортиб бориши ва Россия , Бразилия ва Хитой саноати жадал ривожланиши натижасида Жаҳон савдосида жонланиш юз берди ва 2004 йилга келиб ўсиш 9.7% га етди. Товарлар савдоси реал ҳажми 2008й 2% га ўсди бу кўрсаткич 2007 йилда 6% ни ташқил қилган эди. 1998-2008 йиллар давомида жаҳон экспорти реал ўсиши ўртача 5.7% ни ташқил қилди. Кўриниб турибдики 2008 йилдаги реал ўсиш сўнги 10 йилликдаги ўртача ўсишдан анча паст. 1998-2008 йиллар давомида жаҳон ЯИМи ўртача 2.9%га ўсди. Бу эса Жаҳон экспорти ЯИМ га нисбатан икки баробар тезроқ ўсганини билдиради. Шу каби натижаларни қайд этилишига кейинги йилларда интеграцион тузилмалар фаоллашгани, халқаро меҳнат тақсироти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувининг ривожланиши жаҳон бозорида трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти, Жаҳон савдо ташқилоти таъсир доираси кенгайиб бориши ва савдони эркинлаштирилиши, кўплаб давлатларнинг импорт квотасини бекор қилувчи ва божларни кескин қисқартирувчи режимга ўтишлари, эркин савдо ҳудудларининг ташқил топиши, минтакавий тусикларнинг олиб ташланиши, умумий бозорлар, эркин савдо ҳудудларининг ташқил этилиши, собиқ мустамлака давлатларнинг мустиқликка эришишлари ва уларни очиқ иқтисодиёт моделини танлаганликлари, кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётнинг очиқ иқтисодиётга ўтиши натижасида халқаро савдонинг эркинлашиши каби сабабларни келтириш мумкин.



3-расм. Жаҳон ЯИМи ва экспортининг йиллик ўзгариш динамикаси⁶ (% ҳисобида)

2008 йилда Жанубий ва Марказий Америка экспорти 1.5% га ўсган бўлса, шу йили унинг импортида рекорд натижа қайд этилгани ҳолда 15.5% га ўсганини эътироф этиш мумкин.

Экспорт ҳажми тез ўсган минтақа сифатида 2008 йилда МДХ ни қайд этиш мумкин. Унинг экспорт ҳажми шу йили 6% га ўсган бўлса, импорти 15% га ўсишга эришди. Ўрта Шарқ давлатларида 2008 йилда ташқи савдо ўсиш суръатларида сусайиш кузатилди. Унинг экспорти 2007 йилда 4% га ўсган бўлса, 2008 йида бу кўрсаткич 3% га, импорти эса 14% дан 10% га тушиб қолди. Бу каби ҳолатни Африка минтақасида ҳам кўриш мумкин. Унинг экспорти 2007 йилда 4.5% га ўсган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 3% ни ташқил қилди ҳалос.


⁶ World Trade Organization World Trade Report Switzerland 2009, p. 5 (Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳисоботи)

3-Жадвал.

Минтақалар бўйича ЯИМ ва ташқи савдонинг йиллик ўзгариши⁷ (% ҳисобида)

	ЯИМ			Экспорт			Импорт		
	2006	2007	2008	2006	2007	2008	2006	2007	2008
Жаҳон	3.7	3.5	1.7	8.5	6.0	2.0	8.0	6.0	2.0
Шимолий Америка	2.9	2.1	1.1	8.5	5.0	1.5	6.0	2.0	-2.5
АҚШ	2.8	2.0	1.1	10.5	7.0	5.5	5.5	1.0	-4.0
Жанубий ва Марказий Америка	6.1	6.6	5.3	4.0	3.0	1.5	15.5	17.5	15.5
Европа	3.1	2.8	1.0	7.5	4.0	0.5	7.5	4.0	-1.0
Европа Иттифоқи (27)	3.0	2.8	1.0	7.5	3.5	0.0	7.0	3.5	-1.0
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)	7.5	8.4	5.5	6.0	7.5	6.0	20.5	20.0	15.0
Африка	5.7	5.8	5.0	1.5	4.5	3.0	10.0	14.0	13.0
Ўрта Шарк	5.2	5.5	5.7	3.0	4.0	3.0	5.5	14.0	10.0
Осиё	4.6	4.9	2.0	13.5	11.5	4.5	8.5	8.0	4.0
Хитой	11.6	11.9	9.0	22.0	19.5	8.5	16.5	13.5	4.0
Япония	2.0	2.4	-0.7	10.0	9.5	2.5	2.0	1.5	-1.0
Хиндистон	9.8	9.3	7.9	11.0	13.0	7.0	8.0	16.0	12.5
Янги индустриал давлатлар (4)	5.6	5.6	1.7	13.0	9.0	3.5	8.0	6.0	3.5

Осиё минтақаси ташқи савдосининг реал ўсиш суръатлари охириги 4 йилда кескин туша бошлади. 2006 йилда унинг экспорти 13% га , 2007 йилда эса 11.5% га ўсган бўлса, 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 2.5 баробар тушиб кетди. Импортининг ўсиши эса 2007йилда 8% ни ташқил қилган бўлса, 2008йилда 4% га тушиб қолди.



4-расм. Минтақалар бўйича товарлар савдосининг ўзгариши⁸
(2008й. % ҳисобида)

⁷ World Trade Organization World Trade Report Switzerland 2009, p. 6 (Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳисоботи)


⁸ Ўша жой 5-б.

Охирги йилда ташқи савдосининг ўсиши кескин камайиб кетаётган ва жаҳон савдосига ҳам сезиларли таъсир ўтказётган минтақа бу Европа ва Шимолий Америка минтақаларидир. Европа экспорти реал ўсиши 2006 йилда 7.5% бўлган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 0.5% га тушиб қолди. Шу йили унинг импортида -1% га тушиш кузатилди. Инқироз келиб чиққан минтақа, Шимолий Америкада экспорт 1.5% га ўсган бўлса, импорт -2.5% га тушиб кетди.

Товарлар ва хизматлар савдосининг номинал қиймати

2008 йил ўрталаригача нефть нархи кўтарилиб борди ва йил ўртасига келиб бир барел нефтнинг нархи 140 АҚШ долларидан ортиб кетди. Бу эса нефть экспорт қилувчи давлатларга катта фойда келтирди. Июль ойига келиб бир барел нефть нархи 50 долларга тушиб кетган бўлишига қарамай унга бўлган талаб ўсмади балки тушиб борди, натижада эса жаҳон иқтисодиётида пасайиш кузатилди.


2008 йилга келиб баъзи товарлар нархларининг кескин ошиб кетиши товарлар савдосининг номинал қиймати 2007 йилга нисбатан анча ошиб кетишига сабаб бўлди. Озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотлари нархи 23%га кўтарилган бўлса, энергетика маҳсулотлари нархида 40%га ўсиш кузатилди. 2006-2007 йилларда металл ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархида ўсиш кузатилган бўлса, 2008 йилга келиб бу маҳсулотлар нархида тушиш кузатилди. Металл товарлар нархи ўртача -8% га тушган бўлса, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари нархида ўртача -1% тушиш кузатилди.



5- расм. Айрим маҳсулотлар нархидаги ўзгаришлар⁹
(% ҳисобида, 2006-2008)

2008 йил охирига келиб АҚШ долларини бошқа пул бирликларига нисбатан айниқса еврога нисбатан қийматини ошиб кетиши халқаро савдони номинал қийматига ўз таъсирини кўрсатди. Канада доллари, Британия Фунт стерлинги ва Корея вони траекториясига назар ташласак уларни ҳаракати евро билан бир хил эканини кўрамиз, яъни инқирозгача бўлган даврда долларга нисбатан қиймати ортиб борган бўлса, инқироз натижасида кескин тушиб кетган. Хитой юанини долларга нисбатан қиймати 2005 йилдан бери юқори суръатларда ўсган бўлса, 2008 йилнинг иккинчи ярмида вужудга келган молия бозоридаги тартибсизлик оқибатида турфинликка учраган бўлса Япония йенасининг долларга нисбатан қадри кескин кўтарилиб борган.

⁹ World Trade Organization World Trade Report Switzerland 2009, p. 7. (Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳисоботи)



6-расм. АҚШ долларини бошқа валюталарга алмашинув курси динамикаси¹⁰

(кўрсаткичлар 2000 йил январь ҳолатига нисбатан ҳисобланган)

Жаҳон товарлар экспорти номинал қиймати 2008 йилда 15% га ўсгани ҳолда 15.8 трилион долларни ташқил қилди. Бу вақтда хизматлар экспорти эса 11% га ўсди ва 3.7 трилион долларни ташқил қилди. Жаҳон товарлар экспортидаги бу ўсишни истеъмол товарлари нархи кўтарилиши билан изоҳлаш мумкин, хусусан энергетика маҳсулотлари нархи 40% га кўтарилган.

Товарлар савдоси (номинал қиймат бўйича)

Шимолий Америка товарлар савдосининг номинал қиймати бўйича жуда паст бўлган ўсиш кўрсагичини қайд қилган минтақа бўлиб келмоқда. 2008 йилга келиб унинг экспорти 10% га ўсган ҳолда 2 трилион долларни ташқил қилган бўлса, импорти 7% га ўсди ва 2.9 трилион долларни ташқил қилди. АҚШ иқтисодиёт илмий текшириш институти маълумотига кўра АҚШ да рецессия 2007 йлнинг декабрида бошланган.

Жанубий ва Марказий Америка ташқи савдосида юқори суръатларда ўсиш кузатилди. Унинг экспорти 21% га ва импорти 30% га ўсгани ҳолда ташқи савдоси 1197 млрд АҚШ долларини ташқил қилди.

¹⁰ World Trade Organization World Trade Report Switzerland 2009, 8- б. (Жаҳон Савдо Ташкилоти ҳисоботи)

Лекин Европа минтақасида Шимолий Америка каби ўсиш суръати анча паст бўлди. Бу айниқса 2008 йил охирига келиб еврони долларга нисбатан қиймати тушиб кетиши билан боғлиқ. Унинг экспорти ва импортида 12%га ўсиш кузатилди ва мос ҳолда 6.5 трилион доллар, 6.8 трилион долларни ташқил қилди. МДХ давлатларида ҳам ташқи савдода юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Унинг экспорти 35%га ўсди ва 703 млрд АҚШ долларини ташқил қилди. Импортида эса 31% ўсиш кузатилди ва унинг ҳажми 493 млрд АҚШ долларини ташқил қилди.

Африка минтақаси бошқа минтақалар каби табиий ресурсларга бой ҳисобланади. Бу эса минтақа экспорти ва импорти ўсишига сабаб бўлди. Экспорти 29% га ўсди ва 561 млрд долларни ташқил қилди. Импорти эса 2008 йилда 466 млрд долларни ташқил қилиб, 2007 йилга нисбатан 27% га ўсди. Ва ниҳоят Осиё минтақаси экспорти 15% га ўсгани ҳолда 4.4 трилион долларни ташқил қилган бўлса, импортида 20% ўсиш кузатилди ва унинг қиймати 4.2 трилион долларга тенг бўлди.

2008 йилда Германия товарлар экспорти 1.47 трилион долларини ташқил қилгани ҳолда давлатлар ичида етакчи бўлди. Шунга қарамасдан жаҳон товарлар экспортидаги улуши 9.5% дан 9.1% га тушиб кетди. Хитой товарлар савдоси ҳажми 1.43 трилион доллар бўлгани ҳолда иккинчи бўлди ва жами товарлар савдосини 8.9% ини ташқил қилди. Кейинги ўринларда АҚШ 1.3 трилион долларни ташқил қилди ва умумий экспортни 8.1% ини ташқил қилган бўлса, Япония 782 млрд доллар билан умумий экспортни 4.9% ини ташқил қилди. Кейинги ўринни 3.9% билан Нидерландия банд этди.

Иккинчи боб. Халқаро савдода табиий ресурслар ва халқаро савдода Ўзбекистоннинг ўрни

2.1. Халқаро савдода табиий ресурсларнинг ўрни

Жаҳон хўжалигининг ривожланишида табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган муаммолар муҳим роль ўйнайди. Ушбу муаммолар мамлакатлар иқтисодиётининг ишлаб чиқариш, молия-валюта ва ташқи иқтисодий ва бошқа соҳаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Буни, биз жаҳон иқтисодиётида 70-йиллардаги иқтисодий инқирозлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, табиий хом-ашё ресурслари ҳар қандай ишлаб чиқариш учун бошланғич материал бўлиб ҳисобланади. Хом-ашё ресурсларининг маҳсулотдаги улуши турли маҳсулотларда турлича бўлиши ҳам мумкин. Масалан, машинасозлик саноатида хом-ашё ресурсларининг улуши 10-12 %ни ташкил этса, асосий химиявий синтез маҳсулотларда эса 80-90 %ни ташкил этиши мумкин.

Табиий хом-ашё ресурслари кўпгина мамлакатлар иқтисодиёти учун сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат бойлиги ва даромад келтирувчи асосий манбаларидан биридир.


Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш соҳаларнинг кўпайиб бориши, хом-ашё ресурслари истеъмолининг ортиб боришига сабаб бўлади. 1945-1975 йилларда мобайнида жаҳон хўжалигида истемоль қилинган хом-ашёлар маҳсулотларининг миқдори 1940 йилларгача бўлган инсоният тарихида истеъмол қилинган хом-ашё маҳсулотларининг миқдори билан тенг бўлган. Саноати ривожланган давлатларда ушбу давр мобайнида ишлаб чиқариш 3,5 марта ўсган булса, металлургия саноат маҳсулотларини истеъмоли тахминан 3 марта, тоғ-кон кимёвий саноат маҳсулотлари истеъмоли 3,5 марта, бирламчи энергия манбалари (нефть, газ, кўмир, уран) истеъмоли эса 2,6 марта ўсган эди.

7-расм. АҚШ нинг ойлик нефть қазиб чиқариши (млн. б)




Жаҳонда озиқ-овқат бозорида муҳим аҳамият касб этувчи маҳсулотлардан бири бу балиқ ҳисобланиб, уни етиштириш 1990 йилдан 2007 йилга қадар умумий ҳисобда 140 млн. т. га қадар ортди. Бу ўсишнинг асоси ҳонаки балиқ етиштирувчиларда самарадорликнинг ўсиши билан боғлиқ эканлигини жаҳон озиқ-овқат ташкилоти ҳисоботида қайд этиб ўтилган бўлиб, 1990 йилда ҳонаки балиқ етиштириш йилига 18 млн.т бўлган бўлса, 2007 йилга келиб 55 млн.т. га етди. (8-расм.)

8-расм. Жаҳонда балиқ етиштириш 1990-2007 (млн.т)




9-расм. Жаҳонда CO₂ ни атмосферага чиқарилиши




10-расм. Номинал ва реал нефть нархи




11-расм. Табiiй ресурслар экспорти



12-расм. Товар турлари бўйича жаҳон экспорти





	Ҳажми	Ҳами таврлар экспортидаги улуши
Жаҳон	3855.4	25
Ўрта Шарқ	758.7	74
Африка	406.0	73
МДҲ	489.7	70
Марказий ва Жанубий Америка	281.3	47
Шимолий Америка	397.8	20
Осиё	630.4	14
Европа	891.5	14

2.2. ХАЛҚАРО САВДОДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ


Фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жараёнида кужаймоқда, ташқи иқтисодий фаолият миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Бундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувига, экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аниқ натижаларига боғлиқ. Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш XXI аср бошида мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ташқи савдони эркинлаштириш иқтисодиёт очиқлик даражасининг ўсишига, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига ва рақобатчиликнинг кучайишига, мамлакат экспорт салоҳиятини ички имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бунинг ёрқин мисоли Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида кенг иштирок этаётганлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Бундан ташқари, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди ва у кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига ва яъна Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига айлантирилди, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкига асос солинди, шунингдек, бошқа ташқи иқтисодий алоқалар муассасалари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.



2.6-расм. Ўзбекистон ташқи савдоси¹¹ (млн. долларда)

Мамлакатимиз ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига сарфлашга ва шу орқали иқтисодиётнинг бир томонлама, хомашёга асосланганлигига барҳам беришга ҳаракат қилмоқда.

Бундан ташқари давлатимиз томонидан экспорт қилувчи корхоналарга бир неча имтиёзлар яратилмоқдаки бу эса ўз навбатида ташқи савдо балансида ўз аксини топмоқда. Жумладан, 2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш

¹¹ Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010 йилги ҳисоботи муаллиф томонидан тузилган.-345-б.

муддатларини кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%, яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Юқоридаги диаграммадан Ўзбекистон ташқи савдоси йилдан йилга ривожланиб бораётганини кўриш мумкин. 2000 йилда Ташқи савдо айланмаси 6,2 млрд доллар бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 21.2 млрд долларга етди. Бу эса 2009 йилда ташқи савдо айланмаси 2000 йилга нисбатан қарийиб 3,4 марта ўсганини билдиради.

Албатта ҳар бир давлатнинг салоҳиятини унинг экспорти белгилаб беради. Агарда 2000 йилда мамлакатимиз экспорти 3,2 млрд доллар бўлган бўлса, 2006 ва 2009 йилларда мос равишда 6,3 ва 11,7 млрд долларни ташқил қилди. 2000 йилда экспорт ҳажми 2000 йилги ташқи савдо айланмасидан қарийиб икки марта, экспорт ҳажмидан эса 3,6 марта кўпдир.

Ҳар бир давлатнинг ташқи савдо балансини ижобий кўринишини белгилаб берувчи ва мамлакат аҳолисини даромадларини ортишига олиб келувчи кўрсаткич бу ташқи савдо айланмаси сальдоси ҳисбланади. Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси сальдоси ҳажми барқарор ўсганини кўришимиз мумкин. Шу жумладан, 2000 йилда сальдонинг умумий қиймати 317 млн доллар бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилда 1,6 млрд долларни ва 2009 йилга келиб эса 2,3 млрд долларни ташқил қилди. Бу эса 2000 йилга нисбатан қарийиб 7 мартдан ортиқроғдир.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай

ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқироzi давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кунда экспорт асосан хомашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодиётни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, Ўзбекистон ташқи савдо географиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Чунки, собиқ Иттифоқ даврида вужудга келган ишлаб чиқариш ва товарлар экспортида хомашё маҳсулотлари устуворлиги, иқтисодиёт таркибининг бир ёқламалигига олиб келган самарасиз тизимдан воз кечиш кун тартибидаги асосий вазифага айланган эди. Бундан ташқари, ягона тўлов тизимининг бузилиши ва собиқ Иттифоқнинг турли республикаларида жойлашган корхоналар ўртасида ўзаро тўловни амалга оширишда қийинчиликларни вужудга келиши, ушбу корхоналар тўлов қобилиятларини кескин пасайиши каби муаммолар бу корхоналар билан ўзаро алоқаларга барҳам беришга ва узоқ хориж мамлакатлари билан савдо алоқаларни ривожлантиришга олиб келди.

Шу билан бирга узоқ хориж мамлакатларига экспортни ортиши валюта тушумини яхшилаши ва ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган замонавий техника ва илғор технологияни импорт қилиш, натижада эса ички ва ташқи бозорга рақобатбардош товарлар етказиб бериш имкониятини яратди.

Юқоридаги омиллар натижасида миллий ташқи савдо географиясида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Хусусан, бу тажрибани келтирилган диаграмма асосида таҳлил қиладиган бўлсак, 1994 йилда экспортнинг 61 %и МДХ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 36 %ни, 2009 йилда 34 %ни ташқил қилди. Узоқ хориж мамлакатларининг нисбий улуши эса 1994-2009 йилларда мувофиқ равишда 39% дан 66% га ўзгарди (2.7-расм).




**2.7-расм. Ўзбекистоннинг мамлакатлар гуруҳи бўйича экспорти¹²
(фоиз ҳисобида)**

Шунингдек, ривожланган мамлакатлардан импорт қилинган замонавий технологиялар ва биргаликда ташқил этилган қўшма корхоналар МДХ давлатларига хомашё бўлмаган машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ва хизматлар экспортини ортишига имконият яратди. Қолаверса, сўнги йилларда энергетика маҳсулотлари савдо шартларининг ижобий томонга ўзгариши ҳам МДХ мамлакатларига, айниқса, Россия, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатларга экспорт ҳажмини ортишига олиб келди. Агар 2003 йилда экспортнинг 26%и МДХ давлатларига тўғри келган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 47,5% га кўтарилди. Аммо, 2008 йилги Жаҳон молиявий инқироzi натижасида МДХ мамлакатларига

¹² Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010 йилги ҳисоботи муаллиф томонидан тузилган.-360-б.

экспорт 2008 -2009 йилларда мос равишда 35% ва 34% га пасайиши кузатилмоқда.



2.8-расм. Ўзбекистоннинг экспорт ҳамкорлари¹³ (% ҳисобида, 2009 й.)

2009 йилда Ўзбекистон экспортида МДХ давлатларининг улуши 34% бўлиб, шундан Россия (19%), Украина (6%), Қозоғистон (4,3%), Тожикистон (1,2%), Туркманистон (1%), Қирғизистон (1,1%), улушга эга бўлса, узоқ хориж давлатларининг экспортдаги улуши 66% бўлиб, унда: Швейцария (13,5%), Туркия (3.5%), Афғонистон (6%), Эрон (4.5%), Хитой (4.1%), Буюк Британия (1%), Жанубий Корея (1%), АҚШ (1.2%), Франция (1.1%), БАА (1%). улушни ташқил этган.

Бу таҳлиллардан кўринадики, ташқи савдо географияси ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан такомиллашмоқда.

¹³ Ўзбекистон республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010 йилги ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилган.-357-б.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон экспорти ва унинг товар таркибини ривожланиш йўналишларини ва жаҳон савдосининг шу даврдаги ривожланиш йўналишларини, экспортдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш, ҳудудларининг ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш йўллари йўзига хос жиҳатларини, экспортда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар роли ва уларни самарадорлигини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш йўллари йўрганиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни айтиш мумкин:

- ◆ жаҳонда товарлар ва хизматлар савдоси ЯИМ га нисбатан тез суръатлар билан ўсмоқда бу эса давлатлар ўртасидаги рақобатни ривожлантирмоқда;
- ◆ XXI асрга келиб давлатлар эмас, балки, корхоналар рақобатлашмоқда натижада эса янги халқаро савдо назариялари вужудга келмоқда.
- ◆ Ривожланган давлатлар экспортининг асосини юқори қўшимча қийматга эга товарлар ташкил қилмоқда;
- ◆ ривожланган давлатлар экспортида хизматлар экспорти алоҳида бўлиб ажараб чиққан;
- ◆ Жаҳонда ташқи савдонинг асосини ташкил қилган “Буюк учбурчак” яъни Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа савдо тизимида барҳам берилаётгани, Хитой, Бразилия ва Ҳиндистон каби давлатларнинг жаҳон савдосидаги таъсири ортиб бораётгани кузатилмоқда;
- ◆ Жаҳонда глобаллашув чуқур тус олганлиги натижасида давлатлар ўртасидаги алоқалар занжир ҳосил қилди, аммо бу жараён жаҳон молиявий инқирозининг кенг ёйилишига олиб келди;
- ◆ Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти юқорилиги, унинг табиий ва меҳнат ресурслага бойлиги, аҳолини демографик таркибини асосини 60% дан ортигини ёшлар ташкил қилиши, макроиқтисодий

кўрсаткичларнинг барқарорлиги, ишлаб чиқарувчиларга қулай муҳит яратиб берилганлиги, солиқ ва хусусийлаштириш бўйича қонунлар ишлаб чиқарувчиларни манфаатларидан келиб чиқиб яратилганлиги, хорижий инвесторларга яратилган шароитлар келажакда Ўзбекистон экспортини таркибий жиҳатидан такомиллашувига асос бўлиб хизмат қилади;

- ◆ Ўзбекистонда экспорт таркибини икки йўналишда такомиллаштирилмоқда-биринчидан, экспорт географиясини кенгайтириш ва барқарорлаштириш. Иккинчидан, экспорт таркибини деверсификация қилиш ва унда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар салмоғини ошириш;
- ◆ бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 160 дан ортиқ давлатлари билан ўзаро ташқи савдо алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, аммо ташқи савдонинг 70% дан ортиғи атига 10та давлат ҳиссасига тўғри келмоқда. Ташқи савдо географиясини ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;
- ◆ мамлакатимиз экспорти таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг бу борадаги улуши 2000 йилдаги 27.5 фоиздан 2009 йилда 8.6 фоизга тушди;
- ◆ Ўзбекистон экспортида бир қатор машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ва пластмассалар, хизматлар каби соҳаларнинг вужудга келиши экспорт таркибини такомиллашига сабаб бўлди ва уларнинг экспорт таркибидаги салмоғи тобора ортиб бормоқда;
- ◆ юртимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони тобора ортиб бормоқда уларнинг сони бугунги кунда 4500 дан ортиди. ХИК ларни ташкил этилиши Ўзбекистонни жаҳонга, хусусан, МДХ

давлатларига рақобатбардош маҳсулотлар экспорт қилиш имконини бермоқда. 2009 йилда ХИКлар томонидан 3,2 млрд. долларлик товарлар экспорт қилиниб у жами экспортни 27.5 %ини ташкил қилди;

- ◆ жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, машина ва ускуналар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб кетди. Бу эса ўз навбатида экспартиёрларнинг тушумлари камайишига сабаб бўлди. Давлатимиз томонидан 2009-2012 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурини амалдаги тадбиқи натижасида экспорт ҳажми 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 2,4 %га ўсди ва 2,3 млрд. доллар ижобий сальдога эришилди;

Республика экспорти ва унинг таркибини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- ◆ экспорт географиясини ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари ҳисобига сифат жиҳатидан такомиллаштириш;
- ◆ Ўзбекистон товарлари етиб бормаган бозорларни тадқиқ этиш ва уларга кириб бориш йўлларини ишлаб чиқиш;
- ◆ экспорт таркибини машина ва ускуналар, озиқ-овқат ва кимё саноатида қайта ишланган тайёр маҳсулотларни миқдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш эвазига деверсификация қилиш;
- ◆ экспортдан тушган валюта тушумлари ҳисобига ривожланган давлатлардан сўнги моделдаги технологиялар сотиб олиш эвазига мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда ички ва ташқи бозорга юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- ◆ янги маҳсулот турини яратишда ички илмий салоҳиятдан фойдаланиш;
- ◆ эркин саноат зоналарини ташкил қилиш;

- ◆ экспорт қилувчи корхоналарга солиқ имтиёзларини бериш ва уларни устав капиталини ошириш;
- ◆ ҳудудларни экспорт таркибини такомиллаштириш, уларга хорижий инвестицияларни йўналтириш ва инвесторларга қўшимча имтиёзлар бериш;
- ◆ ХИКларни ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланишини бартараф этиш ва паст ривожланган минтқаларга келган инвесторларга қўшимча имтиёзлар бериш ва маълум муддатга солиқдан озод қилиш;
- ◆ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- ◆ транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- ◆ иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ◆ туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар Рўйхати

1. Расмий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

- 1.1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 8.12.1992 й. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2003. -40 б.
- 1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонуни. 22.12.1995 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 12-сон, 49-62 б.
- 1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонуни. 25.04.1996й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 5-6-сон, 39-45 б.
- 1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги қонуни. 29.08.1996й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 9-сон, 29-33 б.
- 1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг Бож тарифи тўғрисидаги қонуни. 29.08.1997й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 34-49 б.
- 1.1.6. Ўзбекистон Республикасининг Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон, 117-128 б.
- 1.1.7. Ўзбекистон Республикасининг Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон, 129-135 б.
- 1.1.8. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни. 01.05.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон, 165-183 б.
- 1.1.9. Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни. 14.04.1999 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 5-сон, 10-24 б.

1.1.10.Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуни. 26.05.2000 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000 й. 5-6-сон, 83-92 б.

1.1.11.Ўзбекистон Республикасининг Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисидаги қонуни. 07.12.2001 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 1-сон, 76-90 б.

1.1.12.Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги қонуни. 11.12.2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й. 1-2-сон, 8-24 б.

1.1.13.Ўзбекистон Республикасининг Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуни 11.12.2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й. 1-2-сон, 26-36 б.

1.1.14.Ўзбекистон Республикасининг Экспорт назорати тўғрисидаги қонуни. 26.08.2004 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 й. 37-сон, 4-7 б.

1.1.15. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 30.11.2007 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2007 й. №52, 4-253б.

1.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари

1.2.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони 11.03.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 10-11 сон, 6- б.

1.2.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони 11.04.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 15-16 сон, 4-7 б.

1.2.3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хориж инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони 21.07.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 28-29 сон, 9-10 б.

1.2.4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт–импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 19.09.2005 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 40-сон, 6-7- б.

1.3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1.3.1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини янада тартибга

солиш тўғрисида»ги қарори 19.06.2003 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 12-сон. 17-18 б.

1.3.2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори 9.02.2004 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 6-сон. 29-30 б.

1.3.3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 01.05.2006 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 18-сон. 21-22 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари

2.1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.Тошкент: Ўзбекистон, 2009

2.2. Каримов И.А. асосий вазифамиз- ватанимиз тарққиёти ва халқимизфарровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010

2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -364 б.

2.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -349 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -686 б.

2.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10 -Т .: «Ўзбекистон», 2002. -432 б.

2.7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл–демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли Т.11.–Т.:«Ўзбекистон»,2003. -320 б.

2.8. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т .: «Ўзбекистон», 2005. – 448 б.

2.9. Каримов И. А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15 –Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.

3. Илмий манбалар, китоб ва рисолалар

3.1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. -196 с.

- 3.2. Авдокушин Е.Ф. Бойченко А.В. и др. Мировая экономика. Экономика зарубежных стран. Под редакцией Калесова В.П., Осьмовой М.Н., М.:Флинта, 2001. - 480 с.
- 3.3. Алимов Р.О., Расулов А.Ф., Қодиров А.М., ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. //Ғуломов С.С. таҳрири остида. –Тошкент. Konsauditinform-Nashr, 2006. 360-380 б.
- 3.4. Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Тошкент: - 2007 й.
- 3.5. Вахабов А.В., Разикова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Мировая экономика. -Т.: НУУз, 2006. -304 б.
- 3.6. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Бурхонов У.А. Халқаро молия муносабатлари. –Т.: “Шарқ”, 2003. -400 б.
- 3.7. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. –Т.: “Шарқ”, 2003. -320 б.
- 3.8. Вахабов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. –Т.: Молия, 2002. -325 б.
- 3.9. Жуков Е.Ф., Капаева Т.И, Литвиненко Л.Т. Международные экономические отношения. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. -485 с.
- 3.10. Красиной Л.Н. под. ред. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. –Москва: Финансы и статистика, 2001. -608 с.
- 3.11. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. –Ч. II. –Москва.: Международная отношения, 1999. – 488 с.
- 3.12. Кругман П. Международная экономика. 5-е изд. –СПб.: Питер. 2004. -831 с.
- 3.13. Колесов В. П. Международная экономика. –Москва.: ИНФРА-М, 2004. -474 с.
- 3.14. Ломакин В. К. Мировая экономика. Москва.: ЮНИТИ, 2000.-727 с.
- 3.17. Фомишин С. В. Международные экономические отношения. Ростов н/Д: Феникс, 2006. -608 с.
- 3.18. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. –Москва: Дело и Сервис, 2007. -816 с.
- 3.19. Международная экономическая интеграция / Ливенцева Н.Н., Харламова В.Н. и др.; Ливенцева Н.Н. под. ред. -Москва: “Экономистъ”, 2006. -430 с.
- 3.20. Мировая экономика. Абдурахманов К. Х., Додобаев Ю.Т., Ахмедов О.М., Абдурахманов О.К. Ташкент: “O’qituvchi”, 2006.-416 с.
- 3.21. Матыцын А.К. Вертикальная интеграция: теория и практика. Новые Век Год издания, 2002. - 368 с.

- 3.22 Махмудов Э.Р. Мировая экономика: современные экономические системы. – Тошкент. : УМЭД, 2006. -496 стр.
- 3.23 Шемятенков В.Г. Европейская интеграция. –Москва.: Международная отношения, 2005. -354 с.
- 3.24 Расулов А., Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистон: ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон ҳўжалигига интеграциялашув. –Т.: Ўзбекистон, 1996 -66 б.
- 3.25 Сиражидинов Н.С. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. - Тошкент.: УМЭД, 2004. -224 с.
- 3.26 Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. –Тошкент.: Адолат, 2001. -368 б.
- 3.27 Ўзбекистон иқтисодиёти асослари / Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. -Т.: ЎЗМЭ, 2006.-396 б.
- 3.28 Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Меҳнат, 1995. -463 б.
- 3.29 Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. –Т.:Шарқ, 2006,-448 б.
- 3.30 Ҳамедов М.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.-328 б.
- 3.31 Шодиев Р.Х., Махмудова Э.Р. Жаҳон иқтисодиёти. Т.: Ғ.Ғулом, 2005. -312 б.
- 3.32 Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Фан ва технология, 2005. -784 б. (лотин имлосида).
- 3.33 Laffer A. B. and Miles M., International Economics in An Integrated World. Scatt, Foresman and Company, 1982. -348 p.
- 3.34 Salvatore D. International Economics. Prentice-Hall, 2004. -626

4 Диссертация ва авторефератлар

- 4.1. Абдуллаев Р.В. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш (пахта толаси экспорти мисолида). Иқт.... фан. док. дис. автореф. –Тошкент: Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий-тадқиқотлари институти, 2001. -50 б.
- 4.2. Муратова Г.К. Узбекистан в региональных экономических интеграционных процессах: Иқт... фан. ном. дис. –Тошкент: ЎЗМУ, 2004. -140 б.

5. Журналлардаги илмий мақолалар

- 5.1. Арипов С. Республика ташқи иқтисодий фаолиятида божхона хизматининг ўрни // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2006. №8. Б. 58-60.
- 5.2. Расулов А. Внешнеэкономическая деятельности Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы // Рынок, деньги и кредит. –Ташкент, 1997. С. 8-12.

- 5.3.Каримова З. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш– Ўзбекистоннинг БСТ га интеграциялашуви негизи // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2005. №2. Б. 61-63.
- 5.4.Қосимов Р., Расулмухамедов А. Экспортни юксалтириш имкониятлари // Жамият ва бошқарув журнали. –Тошкент, 2000. №1. Б. 58-60.
- 5.5.Юсупов А. Ўзбекистоннинг эркин савдо тизимига интеграциялашуви // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2004. №6. -Б. 66-69.
- 5.6.Содиқов З.Р. Жаҳон бозорига йўл// Солиқ тўловчининг журнали. -Тошкент, 2007. - №3. -Б. 37-38.
- 5.7. Содиқов З.Р. Ташқи савдони фаоллаштириш // Жамият ва бошқарув журнали. - Тошкент, 2007. -№3. -Б. 106-107.

6. Илмий ишлар тўпламлари ва конференция материаллари

- 6.1.Вахабов А.В. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон ташқи савдосини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари // Ўтиш иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш хусусиятлари / ЎЗМУ Иқтисодиёт факультети Республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. –Т.,2004.–Б.4-9.
- 6.2.Искандеров И.И. Ўзбекистонда интеграция жараёнини кенгайтиришнинг иқтисодий асослари //Халқаро иқтисодий интеграциянинг қонуниятлари ва тенденциялари: тажриба ва муаммолар / ЎЗР ФА Иқтисодиёт Институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ижтимоий иқтисодий тадқиқотлар маркази. Республика илмий - амалий конференция маърузалар тезислари. –Т., 2006. –Б. 24-34.
- 6.3.Қодиров А., Бекмуллаев А. Интеграционная стратегия промышленных предприятий в условиях рыночной экономики // Халқаро иқтисодий интеграциянинг қонуниятлари ва тенденциялари: тажриба ва муаммолар / ЎЗР ФА Иқтисодиёт Институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ижтимоий иқтисодий тадқиқотлар маркази. Республика илмий-амалий конференция маърузалар тезислари. –Т., 2006. –Б. 44-45.

7. Статистик тўпламлар ва таҳлилий материаллар

7.1. Статистическое обозрение Узбекистана

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Тошкент, Ўзмакроиқтисодстат вазирлиги Статистика давлат департаменти. 2001.

- 7.2.УЗБЕКИСТАН В ЦИФРАХ 2005. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг статистик тўплами, 2006.
- 7.3.УЗБЕКИСТАН В ЦИФРАХ 2006. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг статистик тўплами, 2007.
- 7.4.Ўзбекистон иқтисодиёти таҳлилий шарҳи. 2003. №2. Самарали Иқтисодий Сиёсат Маркази, 2003.
- 7.5.Ўзбекистон иқтисодиёти таҳлилий шарҳи. 2004. №4. Самарали Иқтисодий Сиёсат Маркази, 2004.
- 7.6.Ўзбекистон иқтисодиёти таҳлилий шарҳи. 2005. №8. Самарали Иқтисодий Сиёсат Маркази, 2005.
- 7.7.Ўзбекистон иқтисодиёти таҳлилий шарҳи. 2005. №10. Самарали Иқтисодий Сиёсат Маркази, 2005.
- 7.8.World Development Indicators. The World Bank. Washington. USA. 2009.
- 7.9.World Trade Report. World Trade Organization Switzerland 2009.
- 7.10. International Trade Statistics. World Trade Organization Switzerland 2009.

8. Электрон сайтлар

- 8.1.W.W.W. Stat.uz
- 8.2. W.W.W.WTO. org.
- 8.3.W.W.W.World Bank. org.
- 8.4. W.W.W.MFER.uz
- 8.5.W.W.W.MF.uz
- 8.6.W.W.W. Gazeta.uz
- 8.7.W.W.W. Press-service.uz
- 8.8.W.W.W. LEX.uz